

Илмий ютуқларни бардавомлиги

ТИҚХММИ ва ИСМИТИ олимлари ҳамкорлигидаги “Хоразм вилоятида коллектор-зовур сувлари шаклланишини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий мега лойиҳа ҳам 2021 йилнинг 9 июл куни илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалий лойиҳалар танловининг ғолиби сифатида сертификатга эга бўлди. Мазкур мега лойиҳада ТИҚХММИ хамижрочи бўлиб, лойиҳанинг илмий раҳбари “Ирригация ва Мелиорация” кафедраси профессори, қ/х.ф.д. Матякубов Бахтияр Шамуратович ҳисобланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,4 млрд. сўм (йиллига 800 млн сўм), шундан ТИҚХММИ (хамижрочи)га ажратилган маблағ қиймати: 1,2 млрд сўм (йиллига 400 млн сўм) дан иборат. Асосий ижрочи ИСМИТИдан лойиҳа раҳбари қ/х.ф.н., доцент Уразкелдиев Абдувоҳид Бахтиёрович ҳисобланади ва уларга ажратилган маблағ ҳам 1,2 млрд. сўм (йиллига 400 млн сўм) ни ташкил этади.

ИТИ ва ИПКТ бўлими бошлиғи, проф. Б.Матякубов
ТИҚХММИ матбуот хизмати